

Пудрат шартномаси
(Жорий таъмирлаш)

КК-30 -сон

2022 йил " 19 " 12

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Бокиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган «BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи : Ш.Каххоров иккинчи томондан, 14.12.2022 йилдаги №201984 сонли лот Протокол қарорига асосан 2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҳисобидан таъмирланиши белгиланган СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАКИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА КСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШГА доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

I. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

"ижро ҳужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

"қурилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вакцинчалик ишлар": Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар": - сифати ва яқинлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани тархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиҳа-смета ва экспертиза хулосасига келишилган муддатларга асосан СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАКИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА КСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШ ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (14.12.2022 йилдаги №201984 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча солиқлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **254 100 100** (икки юз эллик тўрт миллион юз минг юз) сўмни ташкил этади ва молиялаштирилади. Пудратчи томонидан **267 473 789** (икки юз олти миң етти тўрт етмиш уч етти юз саксон тўққиз) сумлик қурилиш ишларини бажариш курсатилди.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қиймати ва қўнайгиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегинли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1а" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- "1" иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудда вакцинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачининг Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- объектда тасдиқланган лойиҳага мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектнинг фойдаланишига қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегинли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вакцинчалик бинолардан оўнатиш;

қурилиш майдонини қўриланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафезлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкрий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига “1б” иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйҳагини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб: кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйҳагдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлайди..

12. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажариш графигига асосан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорига, аванс ўтказилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1б-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорига, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича барча чораларни кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор қилиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи бўюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эгитирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларнинг қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудуддаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишига ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўғрисида амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қодаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичиде бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қодалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексинда, “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқа жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли шловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фойзидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фойзи миқдориде пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фойз миқдориде пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фойзидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган қисмидан Буюртмачига 1 фойз миқдориде жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қодаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосиде объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фойзи миқдориде ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада фойдаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек *етказилган* зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

65.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яшириш ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолаб беради.

66.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва қўшимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

67.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва махсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

68.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайдди.

XVII. Алоҳида шартлар

69. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

70. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш сарасига бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

76. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Буюртмачи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати” давлат унитар
корхонаси

Термиз шаҳар Олмазор кўчаси 42-уй

Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

Ш/х:

Ҳазначилик бўлими номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилиги

Ҳазна: х/в 23402000300100001010

НККМ Тошкент ш. МФО: 00014

Ҳазначилик бўлими ИНН: 201122919

Директор



А.Бокиев

Пудратчи:

«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ

Манзил: Бойсун тумани Пайгамбоши МФЙ

ТИФ Миллийбанк Сурхондарё вилояти филиали

х/р: 2020 8000 5006 7078 8001

МФО 00324 ИНН: 304307966

ОКОНХ: 61110 тел: 94-263-70-03

Ш.Каххоров



Ушбу шартнома мазмуни амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қазарнинг Қонун, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги конун ва бошқа конун ҳужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.

«16» 12 2022 йил

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти СУРХОНДАРЁ VILOYATI BOYSUN TUMANI "МУСТАҚИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА ҚСЗ ЙУЛНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШ объектининг _____ сонли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти СУРХОНДАРЁ VILOYATI BOYSUN TUMANI "МУСТАҚИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА ҚСЗ ЙУЛНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШ объектининг _____ сонли шартномасига - илова

МОЛИАШТИРИШ ГРАФИГИ

Молияштириш шартлари	Йиллар	Шу жумладан ойлар												Жами	
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
Йиллик иш хажмининг ажратилган аванс маблағи	2022 йил													76 230 030,000	76 230 030
Ажратилган аванс маблағининг ойлар бўйича тақсимланган қисми	2022 йил					0,0								76 230 030,000	76 230 030
Ажратилган аванс маблағини инобатта оlib, бажарилган ишларга молияштиришга ажратилган маблағ	2022 йил					0								177 870 070	177 870 070
Жами	2022 йил		0	0		0	0,0	0,0	0,0	0	0	0	254 100 100	254 100 100	
Жами молияштирилган маблағ															



Буюртмачи



Буюртмачи

Сурхондарё вилояти СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАҚИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА ҚСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА
ТАЪМИРЛАШ объектининг _____ соғли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАҚИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА ҚСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШ объектининг _____ соғли шартномасига - илова

БАЖАРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йиллар	2022 йил												Объектининг умумий қиймати	
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15		
1	Қурилиш-монтаж ишлари	2022													267 473 789	267 473 789
	Жами				0,0		0	0	0	0					267 473 789	267 473 789

Буюртмачи



Пудратчи



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 201984 на приобретение СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАКИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА КСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА
ТАЪМИРЛАШ**

Способ проведения электронный

Дата 14.12.2022

Время рассмотрения 30.11.2022 10:46

Конкурсная комиссия Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK (Вилоят) Fond-2020, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	NAZAROV ODIL SHOMIRZAYEVICH	Бош мутахасис	Сурхондарё АЙХББ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	RAXIMOV SOBIR XUDOYBERDIYEVICH	Булим бошлиги	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	MAXMUDOV ISLOM BERDIYOR O'G'LI	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	TURAYEV OLIMJON JURAYEVICH	Бош мутахассис	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	ALIMARDANOV AZAMAT DILMUROD O'G'LI	Булим бошлиқ	Сурхондарё МЙБХ
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Лойиха бўлим бошлиғи	Курулиш
Председатель комиссии	YULDOSHEV SIROJIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Бош мухандис	Сурхондарё МЙБХ
Секретарь комиссии	ISMOILOV SALOHIDDIN ALLABERDI O'G'LI	texnazor	mybx
Секретарь комиссии	ISMOILOV SALOHIDDIN ALLABERDI O'G'LI	texnazor	mybx
Член комиссии	TURAYEV FARXOD SUVANOVICH	yurist	MYBX
Член комиссии	YODIGOROV BAHODIR ESANOVICH	инспектор	MYBX
Член комиссии	ERALIYEV JAHONGIR ASHIR O'G'LI	bulim boshligi	MYBX

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.12.2022 года № лота 201984.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Асфальтирование
Подробное описание	СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАКИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА КСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШ
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	255 695 061.00
Стартовая сумма	255 695 061.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумотлар.

Тип: Бинарное значение

Описание: Иш тажрибага эга бўлган малакали лойиҳачи ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга) Юқори тажрибага эга малакали ходимлари булган автомобиль йўллари ва кўприкларни лойиҳалаш бўйича лойиҳа бош муҳандиси (ЛБМ) нинг мавжудлиги (буйруқлар, дипломлар ва меҳнат дафтарчалари нусхалари билан бирга).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	16	Экспертная		
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №2 Иштирокчининг молиявий ҳолати.

Тип: Бинарное значение

Описание: Бюджет олдида қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома (тегишли дав. солиқ таш-т том-дан тасдган бўл лозим) 2. Ташкилотнинг тегишли даври учун ходимларнинг ўртача йиллик сони ва иш ҳақи жамғармаси тўғрисида маълумоти, 3. Муддат ўтган кред. қарз. мав. эмас.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	18	Экспертная		
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №3 Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати . Объектни жойида ўрганганлиги тўғрисида маълумот.

Тип: Бинарное значение

Описание: Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати. Объектни жойида бориб ўрганилганда (тушунтириш хати, объектининг тахминий қиймати, объектининг режаси, материалларни олиш манбалари ва ташиш масофаси тўғрисида маълумотлар)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	16	Экспертная		
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	20	1	20	Экспертная		

Критерий №4 Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган жиҳозлар ва техникаларнинг рўйхати.

Тип: Бинарное значение

Описание: Жиҳозлар ва техникаларнинг тўлиқ комплекти бўлган ҳолатда (компьютер, принтер, плоттер,

лицензияли дастур, асословчи ҳужжатлар билан).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	20	1	17	Экспертная		
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	20	1	20	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Асфальтирование

Ценовые предложения			Порядок оценки ценовых предложений		
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	255 695 061.00	254 000 000.00 UZS	254 000 000.00	00.00	254 000 000.00
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	255 695 061.00	254 100 100.00 UZS	254 100 100.00	00.00	254 100 100.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 255 695 061.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	254 000 000.00 UZS	254 000 000.00	00.00	00.00	254 000 000.00	09.12.2022 13:52:32	20
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	254 100 100.00 UZS	254 100 100.00	00.00	00.00	254 100 100.00	10.12.2022 15:34:07	19.99212

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО QURILISH RAVON YO'LLAR	67	20	87
«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ	80	19.99212	99.99212

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 201984 от 14.12.2022 года на приобретение СУРХОҶДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЙСУН ТУМАНИ "МУСТАКИЛЛИК" МАХАЛЛАСИ ХУДУДИДА КСЗ ЙУЛИНИ ТУЛА ТАЪМИРЛАШ определила победителем:

«BOYSUN UNIVERSAL MASTER GROUP» МЧЖ

304307966

и резервный исполнитель: ООО QURILISH RAVON YO'LLAR (307906084)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	NAZAROV ODIL SHOMIRZAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	YODIGOROV BAHODIR ESANOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERALIYEV JAHONGIR ASHIR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	UMAROV SANJAR INOTOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Tyron" bank Tel-Fax:
(376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH

Sana:03-11-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 68422

Obyekt nomi «Surxondaryo viloyati Boysun tuman Mustaqillik maxallasi xududidagi kichik sanoat zonasi 0.351km ichki avtomobil yo'llarini to'la ta'mirlash »

Buyurtmachi - "Surxondaryo viloyati mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati" DUK

Bosh loyihachi - "Uyjoysanoatsuvkurilish"LXX

Litsenziya AL00247 30 09 2019yil O'zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Erkin tanlov savdolarida aniqlanadi

Qurilish turi to'la ta'mirlash

Murojaat raqami: № 62436

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan loyihalash uchun topshiriq.

1.2. Buyurtmachining tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasi.

1.3. Surxondaryo mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati DUK tomonidan 2022 yilda tasdiqlangan qurilish ishchilarining ish haqi, mashina va mexanizmlarning ekspluatatsiyasi, tovarlarni tashish, qurilish materiallari, narxlari kelishuv bayonnomasi.

1.4. Buyurtmachining 2022 yil 02 noyabrdagi №585sonli xati.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

Belgilangan tartibda ishlab chiqilgan ishchi loyixa.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Ushbu loyixa bilan Boysun tuman Mustaqillik maxallasi xududidagi kichik sanoat zonasi umumiy uzunligi - 0.351km va eni 6.0metr bo'lgan ichki avtomobil yo'llarini to'la ta'mirlash rejalashtirilgan.

Buyurtmachining tomonidan tasdiqlangan nuqsonlar qaydnomasiga asosan quyidagi ishlarni bajarilishi ko'zda tutilgan:

- qum-chaqilgan toshdan mavjud asos ustidan 3sm tekislovchi qatlam yotqizish,
- yo'l qoplamasi V15 sinfdagi betondan 14 sm qalinlikda bajarish,
- yo'l yoqasiga temir beton novlarni o'rnatish,

- yo'l bo'ylab 12 sm QShA asosida V15 sinfdagi betondan 10 sm qalinlikda piyodalar yo'laklarini qurish, Qurilish ishlarining davomiylik muddati 1 oyni tashkil qiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

6. Ekspertiza natijalari.

Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- ayrim resurs ko'rsatkichlarining narxi (mashinalar va mexanizmlarning ishlashi transprot harajatlari, materiallar) buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan narx kelishuvi bayonnomasi mavofiq to'g'irlandi,
- qabul qilingan pudratchi boshqa xarajati buyurtmachi xati bilan asosandi,
- resurs smetasida tashish xarajati narxi protokolga mos olindi,
- 2 marta kiritilgan tekislovchi qatlam xarajatlari chiqarib tashlandi,
- plyonka uchun xarajat 25% olindi,

Taqdim etilgan ishchi loyixaning smeta qiymati - 284625,991 ming so'mni tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati 28930.930 ming so'm miqdorida kamaytirilib **-255695,061 ming.so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jumladan:

- qurilish montaj ishlari -222343,532 ming.so'm,
- qo'shimcha qiymat solig'i - 33351,530 ming.so'm,

Kamayishga aloxida ish turlari, resurs ko'rsatkichlarini narxlari va ayrim xarajatlar aniqlashtirilishi natijasida erishildi

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17-sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq:

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugaganidan so'ng pudrat shartnomasidan chiqmagan xolda nazorot o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi;
- ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

Ekspertiza natijalarini xisobga olgan xolda "Surxondaryo viloyati Boysun tuman Mustaqillik maxallasi xududidagi kichik sanoat zonasi 0.351km ichki avtomobil yo'llarini to'la ta'mirlash" ishchi loyixasi bo'yicha joriy ta'mirlash ishchi loyixasi bo'yicha qiymatini kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya qilinadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003 yil 6 martdagi 261 sonli qaroriga va ShNK 04.01.06-09 asos tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachi zimmasiga yuklatiladi

Bosh mutaxassis: Katayev Abdukarim Xidirovich

N 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.2021 йилдаги "Махсус истисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникацияси инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги № ПК-5101-сонли қарорининг 2-илоҳасига асосан Республика бюджетидан ажратилган маблағларининг 01.01.2022 йил ҳолатига қолдиқлари ҳисобидан кичик саноат зоналарини қуриш ишлари бўйича 2022 йил учун

МАНЗИЛИ ДАСТУРИ

T/P №	Объектларнинг номи ва жойлашган манзили	Қурилиш боғланган ва тугалланган йили	Лойиҳа қуввати, км/км	Қуриш ишларини пудрат шартномаси тузилган вақтидаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирлаш ишларини қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига қурилош ишларининг қайта ҳисоблашдан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига молиялаштиришнинг қайта ҳисоблашдан кейинги ҳисобидан буюртмачининг бошқа харажатлари	2022 йил истиқбол					Қуриш ишларини фойдаланишга топширилган муддати	Асосий фондлария қисқа туширилгани	Шартномага асосан таъмирлаш ишлари келгуси йилга ўтказилганда объектларнинг 01.01.2023 й.га қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Пудрат шартномасига асосан молиялаштирилган бўйича келгуси йилга ўтказилган объектларнинг 01.01.2023 й.га қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	Лойиҳа экспертиза саноат ва рақами	Ташқиқлотдан бўлиб саноат ва рақами	Пудратга қўрилган тапшилотлари	2021 йилда молиялаштирилган маблағ
								III жумладан												
								Жами маблағлар лимити	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	Жиғиралаш	Буюртмачининг бошқа харажатлари									
				Жами	Шундан буюртмачининг саклаш харажатлари	Лойиҳа ва экспертиза харажатлари														
1	Ангор тумани "Наврў" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,314	517,017	0,000	0,000	24,034	0,000						0,000	24,034	№558-2021/606	5-005/3-1 20.08.2021	Уқир КТХФ	492,983	
				36,366	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
2	Бейсуя тумани "Мустақиллик" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,354	567,321	401,280	401,280	295,190	268,779	268,779				III-чорақ 0,354 км	567,321	26,410	517-2021/576	8-008/3-1 07.06.2021	Gold star SSS МЧЖ	272,131	
				39,120	0,000	0,000	0,000							39,120	0,000					
3	Денов тумани "Саноатчилик" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,466	609,069	0,000	0,000	28,331	0,000						0,000	28,331	506-2021/566	1-001/3-1 20.08.2021	"Зарена Град" ОК	580,738	
				42,460	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
4	Жарқўрган тумани КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,317	538,050	0,000	0,000	25,057	0,000						0,000	25,056	505-2021/565	2-002/3-1 04.06.2021	"Фарҳадан" МЧЖ	512,993	
				36,929	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
5	Қизилқум тумани "Рабатқат" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,529	662,553	4,529	4,529	355,548	324,728	324,728				III-чорақ 0,529 км	662,553	30,818	516-2021/575	10-010/3-1 20.08.2021	"Қафолат Нур Файв" МЧЖ	307,005	
	шу жумладан кредитор қардорлик			46,191	0,000	0,000	0,000							46,191	0,000					
								320,426	320,426											
6	Қизилқум тумани "Қулчиқил" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,351	509,874	26,709	26,709	175,033	151,330	151,330				III-чорақ 0,351 км	509,874	23,702	625-2021/671	13-013/3-1 20.08.2021	"Қафолат Нур Файв" МЧЖ	334,841	
				35,828	0,000	0,000	0,000							35,828	0,000					
	шу жумладан кредитор қардорлик							125,956	125,956											
7	Музработ тумани КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,098	176,027	0,000	0,000	8,172	0,000						0,000	8,172	332-2020/365	2-79/3-20 27.08.2020	"Термиз Музработ Қурилиш" МЧЖ	167,851	
				12,577	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
8	Термиз тумани КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,143	545,732	0,000	0,000	25,385	0,000						0,000	25,385	511-2021/571	11-011/3-1 20.08.2021	"Сурхон сервис баракс" МЧЖ	520,347	
				38,080	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
9	Термиз шаҳри КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,037	21,766	0,000	0,000	1,007	0,000						0,000	1,007	515-2021/574	3-003/3-1 20.08.2021	"Сурхон Еквилл Сервис" ЖК	20,759	
				1,630	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
10	Узун тумани "Наврў" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,477	497,208	226,397	226,397	239,289	216,167	216,167				III-чорақ 0,477 км	497,208	23,123	508-2021/568	4-004/3-1 20.08.2021	"Сурхон Еквилл Сервис" ЖК	257,919	
				34,758	0,000	0,000	0,000							34,758	0,000					
11	Шўрча тумани "Жойилма" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,234	365,199	0,000	0,000	16,976	0,000						0,000	16,976	504-2021/504	9-009/3-1 20.08.2021	"Зарена Град" ОК	348,223	
				25,699	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
12	Сариосиё тумани КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,200	348,805	0,000	0,000	16,213	0,000						0,000	16,213	559-2021/607	6-006/3-1 20.08.2021	Зарена Град ОК	332,592	
				24,555	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					
13	Қумқўрган тумани "Янгиобод" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	0,282	622,592	0,000	0,000	28,958	0,000						0,000	28,958	332-2021/365	2-79/3-20 19.11.2021	Жилуб мевасаблювот экспорт МЧЖ	593,415	
				43,432	0,000	0,000	0,000							0,000	0,000					

Т/Р №	Объектларнинг номи ва қайташнинг мазмуни	Қуриш бошланган ва тугалланган йили	Лойiha қуввати, кв/км	Қуриш ишларининг пудрат шартномаси тузилган вақтидаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига таъмирланган ишларнинг қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига қурилинган ишларнинг қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	01.01.2022 йил ҳолатига болажақликларнинг қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари	2022 йил исотибелди					Қуриш ишларининг фойдаланишдаги топшириш муддати	Асосий фондларнинг туширилиши	Шартномага асосан таъмирланган ишлар келуси йилга ўтказилган объектларнинг 01.01.2023 йил ҳолатига буюртмачининг бошқа харажатлари	Пудрат шартномасига асосан моликлантирилган буюртмачининг 01.01.2023 йил ҳолатига буюртмачининг бошқа харажатлари	Лойiha экспертиза санаси ва рақами	Тасдиқланган бўй-сана ва рақами	Пудратчи қуриш таъкилотлари	2021 йилда молиялаштирилган маблағ	
								11 йил жумладан													
								Жами маблағлар лойихти	Қуриш маблағ ишларининг умумий қиймати	Жумладан	Жами	Шу янли буюртмачининг саклаш харажатлари									Лойiha ва экспертиза харажатлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	
14	Бадхидан тумани "Бектепа" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021-2022 й	0,579	1018,035 89,409	679,980 0,000	679,980 0,000	476,447 0,000	430,016	430,016					III-чорақ 0,579 км	1018,035 89,409		46,431 0,000	509-2021/569-1 28.09.2021	Лот №15419 Баён №65667 22.11.2021	"ООO TERMIZ AUTO SERVICE ROAD CONSTRUCTOR"	541,588
15	Қумқўрғон тумани "Азларсой" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021 й	1,009	2058,462 163,326	0,000 0,000	0,000 0,000	94,757 0,000	0,000							0,000 0,000		94,757 0,000	518-2021/577-1 28.09.2021	Ажрим №4-1901-2103/1787 05.11.2021 й	Жануб мевасабловот экспорт МЧДЖ	1 963,705
16	Қумқўрғон тумани "Азларсой" КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021-2022 й	1,443	2219,247 175,994	11,616 0,000	11,616 0,000	113,199 0,000	11,036	11,036					III-чорақ 1,443 км	2219,247 175,994		102,163 0,000	518-2021/577-2 28.09.2021	Ажрим №4-1901-2103/1787 05.11.2021 й	Жануб мевасабловот экспорт МЧДЖ	2 106,048
17	Олтинсой тумани КСЗ олиб борувчи ички автомобиль йўлини қуриш	2021-2022 й	0,737	1131,343 99,239	2,228 0,000	2,228 0,000	53,723 0,000	2,118	2,118					III-чорақ 0,737 км	1131,343 99,239		51,605 0,000	514-2021/573 01.07.2021	Лот №15891 Баён №6205 15.12.2021	"ООO TERMIZ AUTO SERVICE ROAD CONSTRUCTOR"	1 077,620
	Жами:		7,570	12 408,300 945,593	1 352,739 0,000	1 352,739 0,000	1 977,318 0,000	1 404,175	1 404,175		0,000	0,000	0,000	III-чорақ 4,470 км	6 605,582 520,539		573,140 0,000				10 430,758

"КРИТИЛДИ"
"Сурхондарё вилоятидаги йулларга буюртма хизмати" давлат унитар корпорацияси директори
А. Боқиев
" " 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Сурхондарё вилоятидаги йулларга буюртма хизмати бош бошқармаси бошлиғи
Ж. Қалиев
" " 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Сурхондарё вилоятидаги йулларга буюртма хизмати бош бошқармаси бошлиғи
Б. Хуррамов
" " 2022 й.

"КЕЛИШИЛДИ"
Сурхондарё вилоятидаги йулларга буюртма хизмати бош бошқармаси бошлиғи
А. Урозов
" " 2022 й.

(Handwritten signature)